
Хотира буюк-қадр муқаддас

Тумандаги Пошшопирим қишлоғида жойлашган Хотира майдонида ўрнатилган Мотамсаро она ҳайкали пойи гулдасталар билан тўлди. “Хотира ва қадрлаш куни” байрами муносабати билан туман ҳокимлиги, ҳарбийлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари, давлат ва жамоат ташкилотлари раҳбарлари, меҳнат фахрийлари, ёшлар, кенг жамоатчилик ҳайкал олдида жам бўлди. Туман ҳокими Беҳзод Ибрагимов бошчилигида Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйилиб, бугунги тинч ва осуда кунлар учун жонини фидо қилганлар хотираси ёдга олиниб, Қуръон тиловат қилинди. Шундан сўнг тумандаги 12-умумтаълим мактаби томон йўл олинди. Мактаб ҳовлисида собиқ ўқувчи, майор Зухриддин Ғуломов бюсти ўрнатилган. Йиғилганлар Зухриддин Ғуломов хотирасига ҳурмат бажо келтиришди.

2022-05-13 10:38:59